

17 май куни Дукчи эшон рахбарлигидаги халк исёни бошланганига 115 йил тўлади. Мустакилликкача бу исён ва унинг раҳнамоси хақида бирон бир хақиқатга яқин маълумот олишнинг ўзи кийин эди. Мустакилликдан кейин Дукчи эшон ҳаёти ва фаолиятига оид юзлаб мақолалар, ўнлаб китоблар нашр этилди. Аммо, ханузгача Дукчи эшон шахсияти ва фаолияти кизгин баҳсу мунозараларга сабаб бўлмоқда. Агар бир тараф уни она юрт истиклоли учун муҳораба майдонига чиққан фидойи деб баҳоласа, иккинчи тараф уни ўйламай иш тутган, канча бегуноҳ одамларнинг нобуд бўлишига сабабчи бўлган, халифалик тузишни кўзлаган чаламулла сифатида коралайди. Менинг ўйлашимча, ҳар икки тарафнинг гапида муайян хақиқатлар мавжуд. Аммо, рад этиб бўлмас хақиқат шундаки, Дукчи эшон, энг аввало, мустабидликка қарши, миллатининг эрку озодлиги учун майдонга чиққан эди. Бу кундай равшан ҳақиқат. Унинг исёнчи сифатидаги дунёқарашида ноқисликлар мавжуд бўлгани ҳам шундай очик хақиқатдир. Айтиш лозимки, биз бугунги кундан туриб, юртимизнинг мустамлакага айланишидан анча аввал бошланган (буни англаш учун Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ат-таворих» асарини ўқиш қифоя), мустамлака даврида кучайган жаҳолат ва таназзул даврида яшаган шахсга баҳо бермоқчи бўламиз. Уни анча илгор халқлар тарихида рўй берган хурриятга интилиш ҳаракатлари раҳбарлари билан ҳаёлан солиштирамиз ва хато хулосалар чиқарамиз (Сизга тақдим этилаётган мақолада айни шу баҳслару мунозаралар хақида фикр юритилади). Яна бир аччиқ хақиқат шундан иборатки, Дукчи эшон хусусда бир қарорга келолмаслигимиз ҳақиқатида (бунинг осон ва аниқ иложи борлигига ҳам ишончим йўқ), унинг эрк ва истиклол хақида айтган гапларидан руҳланиб, майдонга чиққан инсонлар хотираси олдида уятдан бош эгиб туришдан бошқа ишга ярамаймиз. Тўғри, ҳар қандай инкилоб ва исён майдонга чинакам фидойи инсонлар қаторида кўр оломонни ҳам олиб чиқади. Аммо, кўр оломонни деб ҳақиқат юрт учун бошини дорга тиккан фидойиларда нима айб?

Кўзголон халқ томонидан қўллаб қувватланганини тергов ҳужжатлари ва ҳарбий суд қароридаги ушбу сўзлар исботлайди: «Прискорбные события в ту трагическую ночь, ясно показали, кто есть кто: из местного населения нашлось всего три человека, осознавших свой долг перед великой Россией» («Ўша фожиали кечада рўй берган ҳалокатли воқеалар қимнинг қим эканлигини ёркин кўрсатди, маҳаллий халқ орасидан бор йўғи уч кишигина буюқ Россия олдидаги бурчини англаган чикди»).

Исён бостирилгач, Туркистон ўлкасининг ҳарбий губернатори Духовский Андижон майдонларидан бирида мажбуран олиб келинган ҳалойикка қарата шундай деган эди: «Ужели не понимали вы, что песчинке не пристало бороться с великой горою?» (Нахотки, сиз кум зарраси қудратли тоғ билан қурашиши мумкин эмаслигини тушунмадиларинг?)»

Исёндан ларза тушган «қудратли тоғ» ҳақиқат уятсизлик ва пасткаш эди. Ҳар қадамда (то хозиргача) «Биз бу ўлкага цивилизация олиб келдик» деб қериладиган империя малайлари ҳақиқат энг ёвуз қимсаларгина қилишга қодир ишлардан қайтмади: ҳақиқат кўзголон раҳбарларини қатл қилаётган майдонга ёш болаларни олиб келиб, олдинги сафларда тизиб қўйишдан оранмади, уялмади. 380 кишини ўлимга ҳукм этиш билан халқ юрагида кўркув уйғотишга қодир уринди. Ҳақиқат буларнинг барчаси «қудратли тоғ» вужудида кўркув уйғонганидан далолат эди.

Гувоҳ бўлганларнинг сўзларига қўра, қатл олдида Дукчи эшон қўллари титраётган

бўлса-да, рухан ўта хотиржам бўлган. Кўлларининг титроги эса жаллодлар ва ўлим билан юзлашганидан эмас, Яратган олдида бўлажак имтихон хаяжони ва кўркуви эди.

Хуршид Даврон



Мансурхон □ Тоиров

ДУКЧИ ЭШОН ВА НИКОЛАЙ ИККИНЧИ

Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан катъи назар, жамиятнинг хар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, хар хил акидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоклари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустахкамлайди.

Ислом Каримов

Ровийларнинг айтишича, шох аввал карокчилик килган-у, сўнгра бу йўлдан кайтган, кизик-кизик хикоят ва латифалар айтиб дилларни овлашга мохир бир кишини мусохиблари сафига кўшган экан. Бир зиёфатда ошпазлар дастурхонга кирговул гўшти тортаётганини кўриб, собик карокчи мийгида кулиб кўйибди. Бунга иттифоко кўзи тушган шох ундан нима сабабдан кулганини сўрабди. Карокчи тўгри жавобдан бўйин товлай олмай бундай дебди: “Шохим, карокчилик килган кезларим кай кун даштда бир кишининг йўлини тўсдим. У ҳеч бир каршиликсиз ҳамёнидаги бор акчасини кўлимга тутказди. Лекин мен бу воқеани кейин гуллаб кўймасин, деган хадикда уни ўлдирмокчи бўлдим. Шунда, у “Биродар, жонимга касд этмай мени кўйиб юбор. Оллохга касам, сенга ҳеч бир даъвойим йўқ. Оилам ёнига омон кайтсам, шунинг ўзи кифоя...” дея ялина бошлади. Мен бу илтижога парво килмай, килични даст кўтардим. Шу чок у талваса-ла

ён-атрофга аланглади-да кўкда учиб бораётган бир гала кирговулга карата “Эй кирговуллар, сизлар шохид, мени нохак ўлдираётир”, деб бакирди. У шу сўзларни айтишга улгурдию килич зарбидан жон берди. Умрим бино бўлиб бундай нодонни учратмаган эдим, шохим. Ахир, ҳеч замонда кирговул ҳам гувоҳликка ўтадимми?! Ўша нодоннинг гапи ёдимга тушиб, мийигимда кулиб кўйган эдим”. Собик карокчи ана шу сўзларни айтиб шохга бокса, хукмдорнинг авзойи бузилган, зиёфат ахли эса кўзини ерга кадаб сукутга чўмганмиш. Шунда шох “Кирговул шохидлик берди! Жаллод, олиб чик буни!” деган экан...

Ок подшо хукуматининг мустамлакачилик сиёсати оқибатида миллий камситилишнинг чуқурлашиб бориши, солиқ юки ва ижтимоий зулм хаддан зиёд ортиши, айникаса, Русиядан кўчириб келинган “мужик”ларга катта ер майдонлари таксимлаб берилиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун полиция ташкил этилиши маҳаллий аҳолининг хўжалик юретишини кийинлаштириш баробарида иззат-нафсига ҳам огир ботди. Ана шу сабабларга кўра, Каттакўргон, Самарканд ва Тошкентда кўтарилган кўзголонлар шафкатсизларча бостирилганига карамай, 1898 йили Андижоннинг ерли аҳолиси ҳам чор Русияси хукуматига карши Дукчи эшон бошчилигида оёкка калкди.

Дукчи эшон накшбандия тарикатининг минтақадаги бообрў шайхларидан бўлиб, асл исм-шарифи Мухаммад Али халфа эди. Уни Шайхи дуктарош ёки Дукчи эшон деб аташларига сабаб, урчук – дук ва беланчак ясаб, “Дилинг Оллоҳда-ю, кўлинг ишда бўлсин” (“Дил ба ёру даст ба кор”) акидаси бўйича тирикчилик килганидир.

Тарихчи олима Д.Алимова интернет сайтларидан биридаги “История и время” (“Тарих ва замон”) номли мақоласида Дукчи эшон кўзголонига мана бундай баҳо берган (мақола рус тилида ёзилган бўлиб, иктибосни аслиятда келтирмоқдамиз): “Приведу лишь один только пример – касательно истории известного Дукчи Ишана, возглавившего выступление населения Андижана в 1898 г. против царской администрации. Конечно же, это было национально-освободительное движение. Однако возведение Ишана в исторической публицистике в национального героя не правомерно. Ведь здесь необходимо углубленное изучение его взглядов и позиций. Исследование произведения самого Дукчи Ишана “Ибрат ал-Гофилин” показывает его узкое мировоззрение и скудость интеллекта, выявляет разнохарактерность целей участников восстания и его предводителя. Амбиции Дукчи Ишана, реализованные посредством религии и экономических требований участников восстания, уставших от беспредела колониальных властей, вынудили его возглавить выступление, а не отнюдь высокие мотивы освобождения Родины. Сам он мечтал о создании внеэтнического суверенного исламского государства, возрождении истинного ислама и призывал к газавату. К счастью, сейчас в этом вопросе поставлены точки над і публикацией Б.Бабаджанова (Б.Бабаджанов. “Андижанское восстание 1898 года: Дервишский газават или антиколониальное выступление?”) // “O‘zbekiston tarixi”, 2001, №2.)”

Мен ушбу парчани диккат-ла ўкиб чиккач, “i” устига нега нукта кўйилди экан, олима бу билан нима демокчи бўлади, дея мушоҳадага толдим. Бу Дукчи эшон тарихини тадқиқ этиш нихоя топди деганими ёки Мухаммад Али халфани миллий кахрамон аташга чек кўйдик деганими? Вахоланки, она-Ватанимиз ўтмишига – унинг дукчи эшонлари тарихига бот-бот кайтмогимиз зарур ва, демакки, бу масалага на Д.Алимова, на Б.Бобожонов нукта кўя олади. Дарвоқе, бир замонлар анча-мунча “ажнабий”лар шундай нукта кўймокка чоғланган ва баъзи масалаларда озми-кўпми ниятига етган ҳам эди. Д.Алимова тарихчи сифатида бунга биздан-да кўпроқ мисол келтира олишига шубҳа

йўк. Ушбу аччиқ тажриба ҳам даъват этадики, тарихимизни англашга дарров нукта кўя колмаганимиз маъкул. Зеро, халкимиз кечмишини хакконий ўрганиш фурсати энди келди! Ўтмишимиз кандай бўлмасин ўзимизники ва уни рўй-рост халкка етказиш тарихчиларимиз бурчидир. Курраи арзда шахсий амбицияси – иззат-нафсини деб лак-лак одамларни оёкка калктирган не-не тарихий шахслар ўтган ва бундан кейин ҳам албатта ўтади. Тарих фани амбицияси – иззат-нафси бўлмаган шахслар билангина шугулланмоғи зарур деган гапни ҳеч ерда эшитган ҳам, ўқиган ҳам эмасман...

Ҳақиқатан ҳам, Дукчи эшон кўзголон раҳбари сифатида баъзи хатоларга йўл кўйган ва буни исботловчи аниқ далиллар бисёр. Аммо менимча, унинг энг катта нуқсони ўзи бошқарган кўзголонда мағлуб бўлганидир. Дукчи эшон голиб келганида, унинг амбицияси – иззат-нафсига ҳам ўзгача баҳо берилармиди?! Спартак Рим кулларини озодлик сари курашга бошлаганида, авваламбор, ўз эркию иззат-нафсини кўзлагандир?! Ёки фақат ўзгалар хурлигини мақсад қилиб олганмикан? Емельян Пугачев-чи? Степан Разин-чи? Нима, уларда иззат-нафс бўлмаганми? Нега улар ҳақидаги ҳукм Дукчи эшонникидан бошқача? Тарих, жилакурса, сўнги нуқтасини кўйишу саҳифасидан номини ўчиришга шошмаяпти-ку!

“Дукчи эшон кўзголови иштирокчиларидан 777 нафари хибсга олиниб, тергов қилинади. Кўплари калтаклаш ва бошқа қийноқларга чиқолмай камокхоналарда жон беради. Терговдан сўнг 415 киши суд қилинади, улардан 32 нафари айбсиз деб топилиб оқланади, 380 нафари эса айбдор деб топилиб ўлим жазосига ҳукм этилади. Бир кишига умрбод камок жазоси, уч кишига ахлоқ тузатиш лагерида муддатни ўташ билан боғлиқ жазо белгиланади. Бирок император авфи билан юқорида зикр этилган 380 кишидан фақат 18 нафари (бошқа бир маълумотга кўра, 21 нафари) осиб ўлдирилади. Қолган 362 нафарига тайинланган жазо енгиллиги алмаштирилади: 3 киши – умрбод сургунга, 147 киши – 20 йилга, 41 киши – 15 йилга, 1 киши – 13 йилга, 1 киши – 8 йилга, 47 киши – 7 йилга, 4 киши – 4 йилга, 15 киши – Сибирь сурғунига ва 3 нафар вояга етмаганлар ахлоқ колониясига ҳукм этилади.” (“Русский инвалид”, 1898, №127). Бундай фожиага, бир томондан, Дукчи эшон ярим ялонғоч, оч-наҳор, кетмон ва паншаха билан “қуролланган” кўзголончиларни суғ бошқаргани, иккинчи томондан, Русия императори Николай Иккинчининг Туркистон ўлкасидаги гайриинсоний тартиблари сабаб бўлган.

“Эшонни дорнинг тағига олиб келиб, оёғидаги темир қишанни очамиз деб уриндилар, илож бўлмади, шекилли, болга билан уриб синдирдилар ва бошқа рафиқларнинг қишанлари ҳам уруб синдирилди... Дорни тикар вақтида дорнинг теғига одам бўйидан пастрок чуқурлар қазилиб, устига бўйра ёпиб қўйилган экан. Бир тўп солдатлар келиб, қўлларидаги шофлари билан аргамчиларни қесиб юбордилар. Хаммалари ерга чўзулуб тушдилар. Кейин бир арава оҳақ қелтириб, олти кишини икки чуқурга ташлаб, устидан оҳақ ташладилар. Ҳар тарафдан тупроқларни тортиб, бирор газ тупроқ тушгандан яна оҳақ солиб, ҳосили тупроқни оҳақ билан аралаш қилиб, каттик тегиб қўмдилар...” (Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи эшон воқеаси. Т., “Чўлпон”, 1992, 52, 54-55 бетлар).

Дукчи эшон ва унинг яқин сафдошларини дорга осғач, ҳатто суяғи ҳам қолмасин дея жасадлар устидан оҳақ сочган ҳамда қабрлар изини йўқ қилишга уринган ваҳший тузум Мухаммад Али халфанинг “дунёқараши тор ва ақл-идроқи ночорлигини, кўзголон иштирокчилари ва улар раҳнамосининг мақсади турлича бўлганини кўрсатади”ган “Ибратул гофилийн” китоби сақланиб қолишига нечук йўл қўйди экан?! Авваламбор, тарихчиларнинг “Ибратул гофилийн” асари айнан Дукчи эшонга тегишли эканига

канчалар ишончи комил? Колаверса, мазкур асар хакида Б.Бобожоновга зидма-зид, ижобий фикрлар баён этган муаллифлар ҳам бор. Чунончи, адиб С.Сиёев “Ибратул гофилийн” асари “дину диёнат нурига ошуфта кўнгилларга ажиб бир зиё элтиб, дилларни илохий бир туйгу ила тўлдиришига” имони комил эканини таъкидлайди. (“Юлдуз – Андижон осмонида”. Китобга сўзбоши // Фозилбек Отабек ўгли. Дукчи эшон воқеаси..., 4-бет). Мен Мухаммад Али халфа ва унинг шахсига Д.Алимова берган салбий баҳо хакида ўйлаганимда, куйидаги шубҳакор ҳаёлларга бораман. Кўп асрлик тарихимизни обдон сохталаштириб, бизни манкурт килмокчи бўлган ўша империя асоратлари хали ҳам онг-тафаккуримизни чалгитишда давом этмаяптими?! Шу империя Дукчи эшон жасади узра оҳак аралаш тупрокдан уйган кабр тошига шошма-шошарлик билан мазкур шахс факат иззат-нафсинигина кўзлаган, деган хулосамизни ёзиб қўймаймизми? Мустақиллик йўлида Абдулла Кодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон ўзи билганича, Дукчи эшон ҳам ўзи билганича кураш олиб борган-ку?! Ватан озодлиги учун курашлар тарихида галабага элтувчи зарур фазилатларга эга бўлмаган йўлбошчи биргина Дукчи эшонми? Ахир серфазилат одамлар кўпинча пана-панада бикиниб юрган ва хокимият билан хатто мураса ҳам килиб кетаверган-ку! Д.Алимова талабига жавоб бериши мумкин бўлган Кодиркул мингбошига ўхшаш юртдошларимиз, афсуски, чор Русияси кўлида Туркистон эркини паймол этувчи куролга айланган. Бундай кимсалар “ватан” деганда бир бурда нон ивигилган ювиндию ит гажиган бир бўлак суяк тутувчи қўлни тушунган. Балки кимгадир Дукчи эшон дин пешвоси бўлгани холда бундай кўзголонга бошчилик килгани ёқмас? Бирок айтилган табакага мансуб шахслар ватан ва халқ озодлиги йўлида курашга бошчилик килгани тарихда кўп учрайди. Бунга мисол сифатида Хоразм халқини Чингизхон босқинига қарши оёққа тургазган шайх Нажмиддин Кубро, бу йил таваллудининг 600 йиллиги нишонланаётган, Франция озодлиги учун кураш алангасида тобланган диндор боқира киз Жанна д'Арк, Американинг қора танли аҳолиси ҳақ-ҳуқуқлари йўлида жон фидо қилган руҳоний Мартен Лютер Кинглар номини тилга олиш қифоя қилар?!

Дукчи эшон ва унинг сафдошлари шафкатсизларча жазолангандан сўнг, бир неча йил ўтиб Русия императори Николай Иккинчи ундан-да аянчлироқ ўлим топганига нима дейсиз?

Николай Иккинчи 1894-1917 йиллар мобайнида Русия императори бўлган. У 1917 йилги Февраль инқилобидан сўнг тахтдан воз кечишга мажбур этилади. Сўнгги Романов бошқарувни муваққат ҳукуматга топширгач, Русияда фуқаролар уруши аланга олиб кетади. Уй қамоғида сақланаётган подшоҳни аввал муваққат ҳукумат Сибирга, сўнгра большевиклар Уралга жўнатади. Ундан ҳам кейин Николай Иккинчи Екатеринбург шаҳрида оила аъзолари билан бирга қатл этирилади. Русиянинг сўнгги тахт соҳибини замондошлари ва муаррихлар турлича тавсифлаган. Кўпчилик унинг салоҳияти Русияни қамаган сиёсий инқирозни даф этиш қадар юксак бўлмаган деган қарашни билдиради. ...Шоҳ ақлли, ўқимишли, билимдон одам эди. У айниқса кишиларнинг исми-шарифини ёдда узок сақлаб қолар ва ниҳоятда дилкаш суҳбатдош эди. Шоҳ тарихни яхши билар ва шу соҳага оид жиддий тадқиқотларни ёқтирарди. У жисмоний меҳнатни хуш кўрар, бусиз яшай олмасди...

...Подшоҳнинг хулқ-атворидаги асосий хусусият юмшоқ табиатлилик эди...

...Императорнинг Русияга муҳаббати масаласига келсак, у ватанини шу қадар севардики, сўз билан таърифлаш қийин. Русия унга насронийлик дини қадар азиз эди; у динидан воз кеча олмаганидек, ватанини ҳам тарқ эта олмади...

...Шох на салобати, на сўзи билан аскарлар калбини забт этолган, уларнинг руhini кўтариш ва мафтун этишга муяссар бўлган. У кўлидан келган барча ишни килган ва шу жихатга кўра уни айбдор деб санаш кийин, бироқ у халкни юксак марраларга чорлай олмаган (А. А. Брусилов).

У ҳақда касалманд, ахмок, жохил... дея ноҳақ сўзлашади. У оддий гвардия офицери эди (А.П.Чехов).

Николай Иккинчи ҳаётидаги асосий воқеалар куйидагилардан иборат. Бўлгуси под-шоҳга соҳибсалтанат Александр Учинчи буйругига кўра, диний асосда таълим-тарбия берилади. Николай 13 йил давомида махсус дастур асосида ўқийди. Таълимнинг дастлабки 8 йили чуқурлаштирилган гимназия дастури асосида олиб борилиб, сиёсий тарих, рус адабиёти, инглиз, немис ва француз тили дарсларига алоҳида эътибор қаратилади. Сўнги беш йил ичида эса у давлатни бошқаришда асқатадиган ҳарбий санъат, ҳуқуқ ва иқтисод фанларини ўрганади. Маърузаларни дунёга машҳур рус олимлари Н.Бекетов, Н.Обручев, Ц.Кюи, М.Драгомиров, Н.Бунге, К.Победоносцев ва бошқалар ўқийди. Пресвитер И.Янишчев валиаҳдга ҳуқуқ асосларини илоҳиёт ва дин тарихига боғлаб тушунтиради.

1894 йили Николай Иккинчи немис маликаси Алиса Гессенскаяга уйланади. Ана шундан сўнг пошшо хоним Александра Федоровна номини олади. Улар аввал тўрт – Ольга (1895), Татьяна (1897), Мария (1899) ва Анастасия (1901) деган киз фарзанд кўради. 1904 йили Петергофда бешинчи фарзанд, ёлғиз ўғил – шахзода Алексей Николаевич тугилади.

Империянинг икбол куёши йилдан-йил сўниб, 1917 йил 25 февралда Николай Иккинчи манифести билан Давлат Думаси фаолияти тўхтатилади. Бундай қарор Русиядаги танг сиёсий вазиятни баттар чигаллаштиради. Николай Иккинчи алалокибат 1917 йил 2 мартда тахтдан воз кечишга мажбур бўлади. Тожсиз шох 1917 йил 9 мартдан 14 августгача оиласи билан Царское Селодаги Александровск саройида уй қамогида яшайди. 1917 йил 14 августда эса яна оиласи билан 7 нафар офицер ва 337 нафар солдат кўригида Тьюменга жўнатилади.

Давлат тепасига большевиклар келгач, император оиласи Тьюмендан Екатеринбургга кўчирилади. Улар тоғ муҳандиси Н.Ипатов уйига жойлаштирилади. Император оиласи билан бирга уларга хизмат этувчи яна беш киши – шифокор Е.Боткин (сарик касалини кашф қилган олим), камерлакей А.Трупп, Александра Федоровнанинг оксочи А.Демидова, ошпаз И.Харитонов ва ошпаз ёрдамчиси Л.Седнёв ҳам шу ерда истикомат этган. Шох оиласи ушбу манзилда ҳаётининг сўнги 78 кунини ўтказган.

1918 йил 12 июлда император ва унинг оила аъзоларини қатл этиш ҳақида қарор қабул қилинади. Ушбу қарорни ким, қаерда, нега қабул қилинганию асл нусхаси қаерда сақлангани хануз сир бўлиб турибди. Шох ва унинг оиласи Урал ишчи-дехкон ва солдатлар кенгаши қарорига кўра қатл этилган деган ясама ҳужжат кейинроқ “пайдо бўлган”. Русия императори, унинг рафикаси ва фарзандлари, доктор Боткин ҳамда шох оиласи хизматидаги кишилар (ошпаз ёрдамчиси Л.Седнёвдан ташқари, бу гумашта соткин шекилли, фожиадан бир-икки кун аввал ишдан четлатилиб, уйдан хайдалган) “Махсус ваколатли уй” – Екатеринбургдаги Н.Ипатов уйида 16 июлдан 17 июлга ўтар кечаси қатл этилади. Шох оиласига тегишли барча шахсий буюм ва бойликлар қатлдан сўнг талон-тарож қилинади. (Николай Иккинчининг рафикаси ва кизлари либослари ичига олтин занжирлар, бошқа қимматбаҳо тақинчок ва тошларни яшириб олган эди.) Қатл қуни Николай Иккинчининг оила аъзо-лари ва барча хизматчилари, одатдагидек,

соат 22 дан 30 дакика ўтганда ухлашга ётади. Орадан роппа-роса бир соат ўтганда бу ерга икки киши махсус топширик билан келади. Улар коровуллар бошлиги П.Ермаков ва уй комендант Я.Юровскийга катл хақидаги қарорни топшириб, ҳукми зудлик билан ижро этиш талабини кўяди. Уйқудан уйготилган шохнинг оила аъзолари ва барча хизматчиларига Ок армия аскарлари шаҳарга бостириб келаётгани, тўқнашув чоғида уй ўкка тутилиши мумкинлиги, шу сабаб дархол уйнинг ертўласига тушиш зарурлиги айтилади. Ертўлага тушилгач, ҳукм эълон қилинади ва катл ижросига киришилади. Ушбу машъум “тадбир” кечаси соат бирда тугайди. (Мазкур сатрларни калбада изтироб ва кўзда ёш билан ёздим – М.Т.)

Я.Юровский кўлидаги рўйхат бўйича катлни ижро этган барча аскарлар венгер ўқчилари бўлган. Бу аскарлар рус тилини мутлақо билмаган, улар Я.Юровский билан немис тилида гаплашишган.

Оқлар ҳаракати Русиянинг Олий ҳукмдори деб эълон қилган адмирал А.Колчак изкувар Н.Соколовга Николай Иккинчи ва унинг оила аъзолари катли юзасидан қидирув олиб боришни топширади. Аммо Колчак отиб ўлдирилгани, Совет ҳокимияти ўрнатилгани ва Н.Соколов Парижда вафот этгани сабаб ушбу қидирув охирига етмай қолади. 1991 йили Н.Соколов маълумотларига асосланиб, император оиласи жасадларининг қолдиги топилади (ушбу жасадлар МВД ходими Г.Рябов тамонидан 1979 йили топилиб, қайтадан кўмиб ташланган эди). 2007 йил ёзида яна Эски Коптяков йўлида қидирув ишлари йўлга қўйилади. Бу гал шох оиласининг 1991 йили топилмаган икки аъзоси (шахзода Алексей ва малика Мария) жасади қолдиқлари изланади. Нихоят император кўмилган жой яқинидан 10-13 ёшлардаги ўғил ва 18-23 ёшлардаги киз жасади қолдиқлари топилади. Екатеринбург археологлари ва экспертлари ҳулосасига кўра, ушбу қолдиқлар шахзода Алексей ва малика Мария жасадига тегишли экани тасдиқланади. Николай Иккинчининг фарзандлари чопиб ташланганидан далолат берувчи из уларнинг елка қисмида аниқланган. Бундан ташқари калла суяғида ўқ ҳосил қилган тешиқлар ҳам бор. Николай Иккинчи, унинг оиласи ва хизматчилари жасади элтиб ташланган лаҳадга тупроқ аралаш оҳак ва кислота сепилган.

Омманинг ваҳшиёна катлга муносабатини ўша даврда яшаган В.Коковцов куйидагича ифодалайди: “Аянчли хабар эълон қилинган кун мен икки бор кўчага чиқдим, трамвайда шаҳар кездим, аммо бирор ерда озгина бўлсин раҳм-шафқат, ачиниш-қайгуриш аломати кўрмадим. Ахборот баланд овозда, кесатик ва мазах оҳангида ўқиларди... Маънисиз бир тошбағирлик, консираган бир манманлик руҳи ҳукм сурарди. Теварак-атрофдан “Аллақачон шундай бўлиши керак эди”, “Кани яна бир шохлик қилиб кўр-чи энди”, “Николашкага – қришка”, “Эй, биродар Романов, ўйнаб бўпсан-да”, деган жирканч сўзлар эшитиларди...”

Император ва унинг оиласи жасади қолдиқлари 1998 йил 17 июлда Санкт-Петербург шаҳридаги Петропавловск хилхонасига олиб келиб дафн этилди. Николай Иккинчи азоб-уқубат чеккан мўътабар зот дея эълон қилинди. Унинг хотирасини абадийлаштириш учун Екатеринбургдаги Ипатев уйи ўрнида мухташам ибодатхона барпо этилди.

Эвоҳ, бир давр ва бир давлатда яшаган икки инсон фожиаси нақадар муштараклиги киши этини жунжуктириб юборади. Накшбандия сулуқининг пири ма-қомига эришган ва дукчилик ҳунари ортидан кун кечирган Мухаммад Али халфа иттифоқо Худоёрхон каби умргузаронлик этишга ҳавас қилиб, шахсий иззат-нафси йўлида халқ бошига фалокат ёғдирган дея ҳулоса чиқарсак, ноҳақ бўламиз чоғи. Унинг қамқонада жабр-зулмга

мардона чидагани ва кўзголон ахлидан бирортасини сотмагани, айникса, чор Русияси хукумати олдида тавба-тазарру килмагани бу зотни асл матонатли шахс, чин ватанпарвар инсон дея олишимизга асос беради, бизнингча. Хамид Зиёев “Туркистонда Россия тажовузи ва хукмронлигига карши кураш” китобида (Тошкент, “Шарк”, 1998 йил) Фозилбек Отабек ўгли лафзидан ушбуларни баён этади: “Арслонбоб тарафига излаб юргувчи Яъқуб кўрбоши билан Кодиркул мингбошига одамлар эшонни шу тарафда кўрганларини айтганлари учун Арслонбобга якин Тошкўприк деган тор йўлни тўсиб турганларида, Эшон ўша йўлдан бориб, Тошкўприк устида учраб колгон. Дархол Яъқуб кўрбоши: “Эй, таксир! Ман сизни кутиб турибман, ёрдам килмок учун” деб, отдан ўзини ташлаб кўришмокчи бўлиб югурган, эшон хам отдан тушиб, йиглаб кучоклашиб кўришган вақтда, эшонни кўтариб, тагига босиб олган ва одамларни чакириб, боглаб олганлар. Оркасидан уч одамни хам тутиб, тўртовларини боглаб кўйганлар. Кодиркул мингбоши дархол етиб келиб, эшонни кўриши билан: “Хотинталок! Хаммани хонавайрон килдинг-ку!” деган. Эшон буларга: “Икковинг ўлар вақтда жинни бўлиб ўлгин! Бизни русга тутиб берган кўлларинг билан ўзингни уриб, сўккан огзинг билан ўзингни тишлаб ўлгин!” демакдан бошка хеч гап айтмаган...” (ўша асар, 32-бет). Айни шу муаллиф дуоибашд этилган икки хоиннинг бири – Кодиркул мингбоши тақдири хакида кейинрок мана бундай маълумот беради: “...Шахарнинг катта оксоколи Кодиркул мингбошининг зарби ва сиёсати ниҳоят каттик ва берахм бўлгони шахар фукароларига маъруф ва машхур эди... Оксокол юртга сиёсат ўтказиш учун “ур” дардига гирифтор бўлгон ва ким бўлса бўлсун, рўбара келса урдирмай кўймас эди. Охирида, бу “ур, ур” дардининг касофати билан бир дўкандор арманининг бойини уруб кўйди, бу армани бой нафсоният килиб, сармоялар тарафдори бўлгон хоким губернаторларга арз килиб, судга бериб, охири истибдод учун килгон шунча хизмати мукофотига, ниҳоят, хорлик билан ўрнидан бекор бўлди ва Кўкон кишлокка бориб, амал хасратидан бетоб бўлуб, охири Мажнундек бўлуб, ўзини ўзи жарохат килиб ўлди. Мустабид хукумати бизга эшон ходисасида кўб хизмат килгон эди, деб риоя килмади. Сармоядор бой арманининг капитал куввати уни йикитиб кўйди” (ўша асар, 48-49-бетлар).

Биз бу ибратли хикоятга таяниб, Кодиркул мингбоши Дукчи эшон каргишига дучор бўлди, десак эхтимол кулгига колармиз. Аммо Николай Иккинчидек император бошига тушган фожиа, унинг жасади устига хам Дукчи эшонникидек охагу кислота тўкилгани таажжуб ва тавба этгулик бир хол, албатта. Айникса, бизнинг диёр фарзандлари бўлган ва тақдир тақозоси-ла Европага бориб колган “венгерлар” деб аталмиш халкнинг беш-олти фарзанди шохни катл этиши кишини чукур ўйга толдиради.

Рус халки ўз фарзанди ва императори Николай Иккинчини азоб-укубат чеккан мўътабар зот деб эълон килиб, катл этилган жойида мухташам ибодатхона тиклади. Русиянинг сўнгги императори колдикларини Романовлар хилхонасига кўчириб, унга хурмат ва эхтиром бажо келтирди.

Биз хам Мингтепа кишлогидан чиккан оддий халк чор Русияси хукумати зулмига карши Дукчи эшон бошчилигида кўзголон кўтаргани ва бу билан чинакам жасорат, мардлик кўр-сатганини холис эътироф этиб, уларнинг номини абадийлаштириш чора-тадбирларини кўрсак, айни муддао бўлармиди...

